

# ЯЙЛОВ ВА ПИЧАНЗОРЛАРДА ГЕОБОТАНИК

## ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ

*Жамол Уринов, катта ўқитувчи*

*Сожида Ишмуродова стажийёр ўқитувчи*

*“ТИҚХММИ” МТУнинг Қариш ирригация ва агротехнологиялар  
институту*

**Аннотация.** Ушбу мақолада мавжуд табиий яйлов ва пичанзорлардан оқилона, самарали ва тўғри фойдаланилишини ташкил этиш учун чорва молларини яйловларга жойлаштиришда ўтказилган геоботаник тадқиқотларнинг натижалари, келтирилган.

Сўнгги йилларда республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини самарали ташкил этиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ишлари етарли даражада ташкил этилмасдан қолмоқда.

Жумладан, ер ҳисоботини юритиш, ер ажратиш, ер муносабатларини тартибга солиш борасида муаммоларга сабаб бўлмоқда.

**Калит сўзлар :** ер ҳисоботи, ер ажратиш, қудук, ўсимликлар, Ҳайвонот

**Abstract.** This article presents the results of the geobotanical research conducted in the placement of livestock on pastures in order to organize the rational, efficient and correct use of existing natural pastures and hayfields.

In recent years, a number of measures have been implemented in our republic to organize rational and efficient use of land, to regulate land relations, and to strengthen state control over land use.

At the same time, the effective organization of state control over land use, the introduction of modern technologies in the field, and the accounting of land resources remain insufficiently organized.

In particular, it causes problems in keeping land records, land allocation, and regulation of land relations.

**Key words:** land report, land allocation, well, plants, animal

**Кириш :** Шунингдек, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш, ўсимликларнинг тури ва сонини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, чорва молларини тартибли алмашлаб боқишни йўлга қўйиш, яйлов ва пичанзорлар деградациясининг олдини олиш мақсадида геоботаник тадқиқотларни ўтказиш юзасидан тадбирлар умуман назоратдан четда қолиб кетган. Геоботаник тадқиқотлар натижасида аниқланган ўсимлик дунёсининг сийраклашган, ҳосилдорлиги камайган ҳамда деградацияга учраган майдонларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тадқиқотлар натижасида аниқланган худудлардаги носоз, таъмирталаб ва фойдаланишдан чиққан чорва молларинининг суғориш иншоотларни (қудуқ ва бошқалар)ни таъмирлаш ҳамда реконструкция ишларини амалга ошириш бўйича мақсадли тадбирлар, фармацевтика саноатида шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Натижада сўнгги 25 - 30 йилда яйлов ва пичанзорларнинг 35 - 40 фоизи деградацияга учраган, ўсимликлар тури ва сони 20 фоизга камайиб, ҳосилдорлик 1,5-2 баробарга тушиб кетган.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон ва 2018-йил 7-ноябрдаги “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги 914-сонли қарори асосида Ғузор туманидаги “Шуртан” массивининг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқот ишлари олиб борилди.

Туманда яйлов ерларининг ҳолати ёмонлашиши ҳосилдорлигини пасайиб кетиши айрим ўсимлик дунёсини юқолиб камайиб кетаётганлиги сабабли геоботаник тадқиқот ишлари олиб бориш ўта муҳим долзарб ҳисобланади.

Шуртан массиви яйловларининг геоботаник тавсифи келтирилган яйловлар ўсимликлар турлари ва яйлов ўсимликларининг геоботаник турлари контурлари бўйича майдонлари ҳисобланган қайднома тузилди.

Тумандаги майдонининг 15.25% қатор дўнгликлар, жойларда қатор тепаликлардан иборат. “Шуртан” массиви маркази ва жанубий-шарқ йўналишида сийрак ўр-қирли текисликлар лалмикор ерлар билан алмашинади. Шу ердан унча катта бўлмаган Шуртан массиви қир адир шимолий этаклари бошланади. Шўртан массиви майдони йўллари асосан марказни боғловчи асфальт ва грунт йўллардан иборат. Бу йўллар асосан автотранспорт учун мўлжалланган бўлиб, йил давомида фойдаланилади. Тумандаги марказидан турли томонларга йўллар тўғри ҳосил бўлган. Улар марказни фермалар, нефт қудук, заводларнинг лениялари билан боғлаган, кўшни хўжаликка, шунингдек туман марказига асфальт йўли олиб боради.

Тумандаги ўсимликлар қоплами чўл поясини эгаллайди. Барча яйлов ўсимликларини тўла ўтлатиш учун фойдаланмасдан туриб, яйлов чорва моллари ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Ўсимликлар захиралари чўл минтақасида қоракўл кўйлари ва гўшт-чорва моллари учун асосий озуқа бўлиб қолади. Яйлов ем-хашак ўсимликларининг ҳосилдорлиги ушбу массивда ўртача бўлиб, йил ва мавсумларда ўзгариб туриши мумкин. Яйлов ўсимликларининг ҳосиллиги турли табиий шароитлар ва факторларга боғлиқ булар Кўкнорилар оиласига мансуб бўйи 40 см бир йиллик барра эфемер ўсимлик бўлиб, чўл ва адир зонасида ўсади ва уруғидан унади. Об-ҳаво ва иссиқлик шароити қулай келган йиллари кўкламги яйловларда жуда кўп учрайди. Баҳорда ялпи гуллаш даврида таркибида 18,9 -28,4 % клетчатка, 46-56 % ёғ, 20% оқсил бўлади.

Исириқ ўшбарглилар оиласига мансуб илдизи яхши ривожланган кўп йиллик ўсимлик бўлиб, яйлов ёввойи ўти ҳисобланади. Чўл ва адир яйловларда айниқса чорва моллари тез-тез йиғиладиган жойларда кўп учрайди. Яйловларда эфемерли-исириқли ўсимликлар жамоасида эдификатор ҳисобланади. Кўпгина яйлов турлари таркибига чўл ва адир яйлов типлари таркибига ҳам киради. Ранг Хилоллар оиласига мансуб 4 см дан 30 см гача баландликкача ўсадиган кўп

йиллик илдизли эфемероид ўсимлик. Илдизи узун баъзан 6 метргача боради, лекин асосий массаси 5-8 см чуқурликда. Илдиздан новдалар алоҳида тўплам бўлиб ўсади, уларнинг орасида 1 та генератив новда бўлади.

Дуккаклилар оиласига қарашли бирйиллик барра эфемер ўсимлик бўлиб, асосан адир ва тоғ бағирларда кенг тарқалган: ҳар хил тупроқли чўлларда, бўз ва кўриқ ерларда ҳам учрайди. Баҳорда қоракўл кўйлар ва эчкилар қимматли захира озик ҳисобланади. Ўсиш даврида кўп витамин ва тўйимли моддаларга эга бўлиб, чорва моллари, қоракўл кўйлари, эчкиларни семиртириш учун жуда яхши озиқа ҳисобланади.

Янтоқ Дуккаклилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, чўлларда ва тоғолди адирларининг ҳар турли тупроқларида кенг тарқалган. Баландлиги 35-100 см гача етиши мумкин. Илдиз тизими кучли ривожланган бўлиб, чуқурлиги 10 м ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин, лекин қурғоқчиликка чидамсиз, ер ости сувлари яқин бўлган паст текисликларда яхши ривожланади. Ялтирбош бошоқдошлар оиласига мансуб кўкламги барра ўсимлик бўлиб, адир ва соз тупроқли чўлларнинг ўтлоқларида ўсади. Ўсиш даври феврал ойидан баъзан ёғингарчилик кўп бўлса кузда ҳам ўсаверади. 100 кг ем-хашак таркибида 92,3 кг емиш бирлиги ва 5,4 кг ҳазм бўлиш протеини мавжуд

Апрел ойининг охириларида бошқа яйлов ўсимликлари билан бирга ем-хашак озуқасини ташкил қилади.

Яйлов ем-хашак озуқабоп ўсимликларининг типологик таркиби тавсифи “Ўзбекистон табиий яйловларда ем-хашак озуқабоп ўсимликларини геоботаник текшириш ва рўйхатга олиш ҳақидаги услубий кўрсатмалари” (1980 й чоп этилган) га кўра берилди. Хўжалик майдони табиий шароити жиҳатдан яримчўл минтақасининг чўл текислик яйловлари ва пастки чўлга киради.

Ушбу минтақада ем-хашак озуқабоп ўсимликларининг яшаш шароити, флористик таркибига кўра: 1 та яйлов гуруҳига, 2 та яйловлар типи ва ўсимликлар қопламини 2 та яйлов турига бўлинди.

Қуйида табиий озуқабоп ўсимликларнинг ҳар бир яйловдаги геоботаник ўсимликлари турлари таърифи келтирилган.

Бу яйловлар асосини исириқ ташкил қилганлиги сабабли йил бўйи даволаш хусусиятига эга бўлган емишли яйлов сифатида фойдаланса бўлади. Лекин исириқларнинг кўпайиши бошқа ўсимликлар эфемер, эфемероидларнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса чорва моллари учун сифатли ва витаминли ўсимликларни истеъмол қилиш имкониятини камайтиради.

Бу яйлов тури ўсимликлар таркиби бўйича баҳорги, кузги ва қишки яйлов ҳисобланади, Маскур яйлов турида ҳосилдорлик йил бўйи ўртача 0.45 ц/га ни ташкил қилади ва 300-350 бош шартли мол ёки 60-70 бош қорамоллар учун 1 йил давомида озикланиш имконини берад.

Суғориладиган ерлар Майдони 897,26 га йўқлама натижасида аниқланган ҳайдалма ерларнинг умумий майдони 897,26 гектар бўлиб, асосан суғориладиган ерлардан иборат. Худудда фаолият кўрсатаётган барча фермер хўжаликлари томонидан Суғориладиган майдонларга пахта ва ғалла полиз, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, шунингдек боғлар, узумзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар барпо этилиб, келмоқда. Худудда экин ерларини суғоришга мўлжалланган дарёлар, каналлар ва ариқларнинг мавжуд.

Лалми ерлар майдони **5358,7** га йўқлама натижасида аниқланган ҳайдалма ерларнинг умумий майдони **5358,7** гектар бўлиб, асосан лалми ерлардан иборат худудда фаолият кўрсатаётган айрим фермер хўжаликлари томонидан лалми майдонларга ва яйловларга полиз, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, шунингдек боғлар, узумзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар барпо этилиб, сунъий қудуқ (скважин)лар ёрдамида суғорилмоқда. Худудда экин ерларини суғоришга мўлжалланган дарёлар, каналлар ва ариқларнинг мавжудлиги аниқланмади. Шуртан қишлоқлардаги томорқа ҳамда деҳқон хўжаликлари учун ажратилган ерларга экилган боғлар, узумзорлар, полиз, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳам мавсумий булоқ сувлари, қудуқлар ва скважинлар ёрдамида суғорилмоқда.

Тумандаги массиви яйловларидаги озуқабоп ем-хашак ўсимликларининг махсулдорлиги ва сифати албатта уларнинг маданий-техник ҳолатига боғлиқдир.

Ушбу жадвалдаги яйловларнинг маданий-техник ҳолати кўз билан чамалаб олинган. Ушбу хўжаликда асосий ем-хашак ўсимликларини яримбута, эфемерлар ва эфемероидлар ташкил этади, бу эса баҳор ва ёз ойларида ҳосилдорлик юқори бўлишига ҳамда ем-хашак йиғимини кўпайтиришга имкон беради.

Геоботаник тадқиқотлар натижасида Шуртан массивида қуйидагилар аниқланди. Умумий майдони 10909,48 гектар, Шундан сувли 896,27 гектар, лалми ерлар 5358,7 яйловлар 3435 гектар, боғлар 15,9 гектар Қишлоқ хўжалигида ишлатилмайдиган бошқа ерлар 820,12 гектар, йўллар 193,7 гектар, сув ости ерлари 163 гектар, қурилиш ости ерлари 27,3 гектар.

Хулоса таклиф ва тавсиялар. Яйлов ерларидан оқилона фойдаланиш учун алмашлаб фойдаланиш ва бош лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўрсаткичларини самарали равишда ошириш ва шу билан бир вақтда ҳаражатлар ресурсини минималлаштира оладиган аниқ технологик инновациялар танлаш керак. Яйловларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш учун мавжуд қудуқлардан асраб аввайлаб фойдаланиш, бузилганларини таъмирлаш, сувдан узоқ бўлган отарлар яқинида янги сув манбаларни очиш (Қудуқлар ва скважинлар қозиш). Узоқ ва кам фойдаланиладиган яйловларга борадиган йўлларни яхшилаш ёки янги йўллар очиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори; Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 23.04.2018 йилдаги 299-сон
2. Ўзбекистон Республикаси ер фонди (2019 йил 1 январь ҳолатига). Тошкент; Давергеодезкадастр қумитаси, 2019. 203 б.
3. “Ўздаверлойиха” институти “Қашвилерлойиха” бўлинмаси томонидан тайёрланган Қашқадарё вилояти туманларида МЧЖ ва фермер хўжаликларидаги яйлов ва пичанзорларининг геоботаник тадқиқотлар тавсифномаси. 2019 й